

---

## ВИЛОЯТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ ВА БАНК-ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАСИ МАСЪУЛЛАРИ УЧУН 5 КУНЛИК ТРЕНИНГЛАР БОШЛАНДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси томонидан “Инвестициялар, битимлар тузилмаси, баҳолаш, молиявий таҳлил, таваккалчиликни тушуниш ва батафсил ўрганиб чиқиш – “Due diligence ” мавзусида ўтказиладиган профессионал тренинглارнинг очилиш тадбири бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев иштирок этди ва мавзу доирасидаги долзарб масалаларга эътибор қаратди. Тренингдан кўзланган мақсад ҳамда вазифаларга тўхталди.

Хорижлик мутахассис Эдвард Гликман инструкторлигида 12-16 сентябрь кунлари ўтказиладиган тренинглар давомида вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси ва унинг шаҳар-туманлардаги бўлим бошлиқлари, тижорат банклари, дахлдор идоралар масъуллари ҳамда тадбиркорлардан иборат 70 нафарга яқин иштирокчиларга инвестицион битимларни қидириш, бизнес хатарлар, чегирмаланган пул оқими ва имтиёзли акциялар каби турли қизиқарли мавзуларда маълумотлар етказилиши кўзда тутилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-12 17:21:51